



II-сон журнал

«ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ»

«HUMAN CAPITAL AND SOCIAL DEVELOPMENT»
«ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И СОЦИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ»



SCAN ME

- 2021 -



**«ИНСОН КАПИТАЛИ ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ»
«HUMAN CAPITAL AND SOCIAL DEVELOPMENT»
«ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И СОЦИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ»
ЖУРНАЛИ**

Бош муҳаррир: т.ф.д., проф. Халмурадов Рустам Ибрагимович
Бош муҳаррир ўринбосари: ф-м.ф.н., проф. Хушвақтов Ҳаким Абдилҳақович
Котиб: и.ф.н., доц. Усманова Дилафруз Каршиевна
Техник муҳаррир: PhD, доц. Насимов Икром Хусанович

ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

ЎзФА академиги, и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич
ЎзФА академиги, и.ф.д., проф. Гуломов Саидахрор Саидахмедович
и.ф.д., проф. Нехода Евгения Владимировна (Россия)
и.ф.д., проф. Зенченко Светлана Вячеславовна (Россия)
и.ф.д., проф. Недоспасова Ольга Павловна (Россия)
PhD, professor Ian Patterson (Австралия)
PhD, associate professor Slawomir J. Wroblewski (Польша)
и.ф.д., проф. Холмўминов Шайзоқ Рахматович
и.ф.д., проф. Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич и.ф.д.,
проф. Мухаммедов Мурод Мухаммедович
и.ф.д., проф. Мирзаев Кулмамат Жонузоқович и.ф.д.,
проф. Сафаров Баходир Шахриёрович
и.ф.д., проф. Хомитов Комил Зоитович
и.ф.д., проф. Бобаназарова Жамила Холмурадовна
и.ф.д., проф. Насимов Дилмурод Абдуллоевич
и.ф.н., проф. Асланова Дилбар Хасановна
PhD, доц. Джуракулов Шохрух Давронович
и.ф.н., доц. Кривокора Евгения Ивановна (Россия)
и.ф.н., доц. Юлдашев Шамсиддин Қиёмиддинович
и.ф.н., доц. Низамов Ахтам Нуъмонович
и.ф.н., доц. Бозоров Бердимурод Улуғмуродович
и.ф.н., доц. Бобоқулов Баҳромқул Маматқулович

ИНСОН КАПИТАЛИНИ БАҲОЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти профессори, и.ф.д.

Ҳилола Нематовна Очилова– Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти таянч докторанти

Аннотация. Мақолада асосий эътибор инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантириш муаммолари ва уларни мамлакатимизда ҳал қилиш йўлларига қаратилган. Унда инсон капиталининг Жаҳон банки бўйича аниқланадиган кўрсаткичлари, бевосита таълим (таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари (билим даражаси), сифатли таълим олиш давомийлиги) ва соғлиқни сақлаш (янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимоли, вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражаси, соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши) билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида аҳамият берилган. Таълим билан боғлиқ учта ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ яна учта кўрсаткичларга қисқача изоҳ берилган.

Калит сўзлар. инсон капитали, таълим, бошланғич таълим, олий таълим, соғлиқни сақлаш, таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари, ўқувчининг билим даражаси, сифатли таълим, вояга етган болалар, болаларнинг яшаб қолиш даражаси, соғлом ўсиш, нуқсонсиз ривожланиш.

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы оценки и развития человеческого капитала и пути их решения в нашей стране. Он включает показатели человеческого капитала, определяемые Всемирным банком, прямого образования (продолжительность обучения, результаты обучения (уровень знаний), продолжительность качественного образования) и здоровья (вероятность выживания новорожденного до 5 лет, выживаемость взрослых, здоровый рост (доля детей с отклонениями в развитии)). Были кратко объяснены три показателя, связанные с образованием, и еще три, связанные со здоровьем.

Ключевые слова. человеческий капитал, образование, начальное образование, высшее образование, здоровье, продолжительность обучения, результаты обучения, уровень знаний учащихся, качественное образование, взрослые дети, детская выживаемость, здоровый рост, безупречное развитие.

Abstract. The article deals with the problems of assessing and developing human capital and ways to solve them in our country. It includes indicators of human capital as defined by the World Bank, direct education (length of study, learning outcomes (level of knowledge), duration of quality education) and health

(probability of survival of a newborn up to 5 years, adult survival, healthy growth (proportion of children with developmental disabilities) Three indicators related to education and three more related to health were briefly explained.

Keywords. human capital, education, primary education, higher education, health, length of study, learning outcomes, students' level of knowledge, quality education, adult children, child survival, healthy growth, flawless development.

Кириш. XXI-аср билимлар асри, деб бежиз баҳоланган эмас. Чунки илғор технологияларга асосланган моддий капиталга мос уни бошқара оладиган интеллектуал капитал ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки такомиллашган технологияларни яратувчиси ҳам, уларни эксплуатация қилувчиси ҳам инсон. Ҳозирги жадал ривожланаётган даврда барча капиталлар, шу жумладан инсон капитали ҳам такомиллашган тарзда намоён бўлмоғи лозим. Зеро, ижтимоий соҳадаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади, аҳоли фаровонлигини ошириш, яшаш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган. Бунга эришиш учун бугунги кунда камбағалликни қисқартириш ҳам кўп жиҳатдан таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини оширишга боғлиқ. Шу туфайли сифатли таълим – инсон капиталини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи. Инсон капитали масаласи бўйича мамлакатимизда ҳам турли олимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Тошкенбаев У.Н., Абдурахманова Г.Қ., Рустамов Д.Ж., Қуронов М., Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Қўзиев З.Б., Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д., Жониев Ф., Амиркулов Ш.О., Акрамова Ш.Г. кабиларни¹ мисол келтириш мумкин. Муаллифларнинг ушбу асарларида инсон капиталининг моҳияти, мазмуни, шаклланиш босқичлари, уни такомиллаштириш бўйича тегишли омилар қараб чиқилган. Аммо инсон капиталини шакллантиришдаги омилар ва уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқликлари етарли даражада очиқ берилмаган. Шу туфайли мазкур ишнинг мавзуси бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда инновацион ва рақамли

¹ Ташкенбаев У.Н. Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фоизидан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди. // FacebookTwitterTelegram 21:53 / 18.10.2020 13199., Абдурахманова Г.Қ., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини рақамли иктисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари”. Монография. – Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 2020. – 127 б., Муҳаммадjon ҚУРОНОВ, Инсон капитали мактабда яратилади. // <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/> 1486.htm., Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 83 Б., Жониев Ф. Инсон капитали ва миллий кадриятлар. <https://zamin.uz/hayot-tarzi/11291-inson-kapitali-va-milliy-adriyatlar.html>., Амиркулов Ш.О. Инсон капитали: шаклланиши ва ривожланиши. Инновацион технологиялар/Innovative technologies. – 2020 йил 2-сон. – 87-92 бетлар, . Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. Иктисод ва Молия / Экономика и Финансы № 10, 2011 Журнал. – 53-57 бетлар. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Қўзиев З.Б., Очилова Х.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, - 2020. – 260 бет.

иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичида инсон капиталини такомиллаштириш, унинг даражасини баҳолаш масалалари ўта долзарб тус олди. Инсон капитали тўғрисида аниқ хулосага эга бўлиш учун, ушбу категорияни баҳолаш йўлларини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Бу борада бир қанча илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Барча фикрларни жамлаб, Жаҳон банкининг бу борадаги фикрларига алоҳида аҳамият беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки, ушбу ташкилот инсон капитали индексини эълон қиладиган халқаро миқёсдаги ташкилот ҳисобланади. Инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида Жаҳон банки маълумотларига кўра қуйидаги 6 та кўрсаткич киради:

таълимнинг давомийлиги;

таълим натижалари (билим даражаси);

сифатли таълим олиш давомийлиги;

янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимоли;

вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражаси;

соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши)².

Ушбу кўрсаткичлар асосида инсон капиталидан фойдаланиш даражаси аниқланади. Жаҳон банки дунё мамлакатларининг 2020 йил учун (2020 йил сентябрь ҳолатига) инсон капитали индексини эълон қилган эди. Унда Ўзбекистон ҳам илк бор қатнашиб, юқоридаги мақолада келтирилишича, 62 фоизлик натижа қайд этилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, инсон капиталининг ривожланишида асосан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси муҳим роль ўйнаётган. Чунки янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимоли, вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражаси ва соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши)нинг ҳолати бевосита соғлиқни сақлаш соҳасига боғлиқ бўлса, қолган учта кўрсаткичи, яъни таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари (билим даражаси) ва сифатли таълим олиш давомийлиги бевосита таълим соҳаси билан боғлиқдир. Демак, Жаҳон банки маълумотларига кўра инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими иккита йирик гуруҳга бўлинади (1-расм).



1-расм. Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи

² Улуғбек Ташкенбаев. Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фоизидан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди.// <https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>

кўрсаткичлар гуруҳлари

Мамлакатимизда таълим соҳасига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январда қабул қилинган “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорида “интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимига жорий этишнинг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида илғор хорижий тажриба асосида ҳамда ёш авлод орасида ижодкорларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанлари жорий этилади ва улар бўйича ўтказиладиган машғулотларда соҳада фаолият олиб боровчи амалиётчилар иштирок этиши таъминланади”³³, деб белгиланган. Чунки таълимнинг асосий натижадорлиги интеллектуал мулкда ўзифодасини топади.

Таълим тизими билан боғлиқ кўрсаткичлар инсон капиталининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун барча таълим тизимига кирувчи таълим ташкилотларини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Аммо шунинг эътирофи этиш керакки, мактаб таълими ҳам маълум маънода изга тушгунча жуда кўп англашилмовчиликларни бошидан кечирди ва бу ҳозиргача давом этиб келмоқда. Иттифоқ пайтида охириги йилларда 10 йиллик мажбурий таълим жорий қилинган эди. Сўнгра 1995 йилдан бошлаб 11 йилликка ўтилди. Мустақилликнинг биринчи йилларида 11 йиллик мажбурий таълим давом этди. Ушбу мактаб таълими асосан болаларни олий ўқув юртига киришга тайёрлар эди. Аммо олий ўқув юртига уларнинг бир қисмигина кирар эди. Қолганлари ўз йўлини топгунча яна бир қанча касбий таълимларни ҳам қўшимча эгаллашларига тўғри келарди.

Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида мамлакатимизда мактаб таълими иккига бўлинди. 9-синфгача мажбурий таълим, ва 10-11 синф ўрнига касбий таълим жорий қилинди. Энди, касбий таълимни битирганлар ҳаётга тайёр бўлиб, бемалол бирор касб билан шуғулланадиган бўлиши керак эди. Ўқишни давом эттиришга мўлжалланган ўқувчилар академик лицейларда ўқитилди. Аммо бу таълим дастури кўзланган мақсадга эришиш имконини бермади. Чунки касбга ўқитилган ўқувчиларни ишга жойлаштириш муаммоси келиб чиқди. Амалиёт билан ўқув жараёнининг бир-бири билан мувофиқлиги таъминланмади. Натижада таълим жараёнини яна ислоҳ қилишга тўғри келди. Натижада 2017 йилдан бошлаб яна 11 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди.

Хуллас, эндиликда ёшларни билимли ва малакали этиб тарбиялаш,

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январда қабул қилинган “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

уларни жаҳон тараққиётига мос мутахассислар этиб тайёрлаш мақсадида таълим тизими нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам изчил ривожлантирилмоқда. Буни биринчи галда олий таълим соҳасидаги дастлабки ислоҳотларда ҳам кўриш мумкин. Бунда олий таълимга кирувчиларнинг қамровини ошириш, институт ва университетларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида, уларга молиявий мустақилликни бериш, профессор-ўқитувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг турли усуллари жорий қилиш масалаларига қаратилган тадбирлар жорий қилинмоқда. Энди самарали ишлаган ўқитувчи ўзининг ойлик маошига қўшимча равишда, белгиланган миқдорда устама олиш имкониятига ҳам эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 16-июн куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида: “охирги 3 йилда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача 3,5 бараварга оширилди”⁴. Ушбу тадбирларнинг ҳаммаси таълим тизимини такомиллаштириш орқали таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган.


Ҳозирги пайтда дуал таълим тизими муҳим йўналишлардан бирига айланмоқда. Бу таълим тизимига аслида Германияда асос солинган. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқининг бир қанча давлатларида жорий этилган ва бунинг қўлами кенгайиб бормоқда. Бизда ҳам биринчи бўлиб Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида жорий қилинди. Бу институт билан ҳамкор сифатида Бухородаги “ВСТ Cluster” ва Қуйи Чирчиқ туманидаги “ТСТ Cluster” пахта-тўқимачилик кластерлари танлаб олинди. Ушбу таълим тизимининг афзалликлари мактабдан то докторантурагача бўлган босқични тўлиқ қамраб олади. Бунда таълим занжири “мактаб – коллеж – техникум – олий ўқув юрти” тизими ишлайди⁵. Муҳими кластер талабидан келиб чиқиб, таълимнинг барча бўғинида малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Муҳим жиҳат, бу тизимда олий ўқув юрти кадрларни “ўз истагидан келиб чиқиб” тайёрламайди, балки амалиёт эҳтиёжига мослаштирилган ҳолда амалга оширади. Энди талаба-ўқувчилар нафақат назарий фанларни, балки назарий фанлар билан бирга амалиётни ҳам бирга қўшиб олиб боради. Бунда Германиядаги тажрибани қўллайдиган бўлсак, уч ойлик ўқиш ва уч ойлик иш тамойилига амал қилинади. Ушбу тизим мутахассисларнинг етуклигини

⁴ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16-июн куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.// Ҳукумат партали 16 Июн 20211457.

⁵ Иброҳимов И. Дуал таълим тизими.—“Халқ сўзи” газетаси. 229-сон. 2020 йил 30 октябрь – 1-2 бетлар.

таъминлаб, сифатли инсон капиталининг шаклланиши учун асос бўлади.

Жаҳон банкининг инсон капиталини баҳолашнинг таълим билан боғлиқ асосий шартлари қуйидагилардан иборат (2-расм).



2-расм. Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи таълим билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Бугунги кунда инсон капиталининг асосий шартларидан бири бўлган **таълимнинг давомийлигини** таъминлашга ушбу тадбирлар катта туртки бўлади. Мактабгача таълим, бошланғич таълим, касбий таълим, олий таълим тизими каби таълимнинг барча босқичларида интеллектуал салоҳиятли, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб берадиган замонавий рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун айнан таълимнинг давомийлигини таъминлашни тақозо қилади. Барча таълим соҳасида узлуксизлик таъминланиб келинади. Аммо олий таълим тизимида қамров ҳали анча паст. Президентимиз сайлов олди дастурида “Келгусида узлуксиз таълим тизими учун миллий ўқув дастурини жорий этиш, таълим сифатини ошириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадида қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлади”⁶, деб таъкидлади. Эндиликда, мактабгача таълимдаги қамров даражаси ҳозирги 62 фоиздан камида 80 фоизга етказилади. Бунинг учун қўшимча равишда 7 мингдан зиёд янги боғча ташкил этилади. Шунингдек, 2024 йил якунига қадар 6 ёшли болалар мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олинади. Буларнинг ҳаммаси таълим давомийлигининг бошланиши ҳисобланади. Агар шу босқичда қамров қанча катта бўлса, ушбу кўрсаткич ҳам шунча юқори бўлади.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури.

Маълумки, мамлакатимизда болалар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу туфайли мамлакатимиз аҳолисининг сонининг 60 фоизи ёшлар ҳисобланади. Бундай ҳолатни инобатга олиб, келажакда бир қанча янги мактаблар куриш билан бирга хусусий мактабларни кўпайтириш ҳам кўзда тутилган. Шу билан бирга, таълим сифатини ошириш ҳам назарда тутилган. Ушбу вазифаларни тизимли тарзда бажариш учун Президентимизнинг маърузасида “Мактабларни ривожлантириш давлат дастури”ни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қайд этилди. Шу асосда “келгуси беш йилда қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш учун мактаблар реконструкция қилинади ва янгидан барпо этилади”⁷.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, “халқаро тажрибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлса, бундай университет нуфузли ҳисобланмайди. Юртимизда бу кўрсаткич жуда паст. Мисол учун, 24 та олий ўқув юртининг илмий салоҳияти 25 фоизга ҳам бормади, 19 тасида бирорта профессор ва фан доктори йўқ. Сўнгги 30 йилда атиги 208 нафар профессор-ўқитувчи хорижда илмий даража олган”⁸. Ушбу кўрсаткичларни муттасил ошириб бориш лозим бўлмоқда. Акс ҳолда таълимнинг натижадорлигига эришиш мушкул бўлади.

Инсон капиталининг асосий шартларидан бири, Жаҳон банкининг мезонларига кўра бугунги кунда **таълим натижалари (билим даражаси)** билан ўлчанади. Ўқувчи ва талабаларнинг билим даражаси бугунги кунда нафақат назарий балки, амалий йўналишларини ҳам ўқув муассасасининг ўзидаёқ тўлиқ ўзлаштирган бўлиши лозим. Улар олий ўқув юрти дипломи билан бевосита ишлашга қодир кадрлар бўлиши керак. Эндиликда таълимни комплекс ривожлантириш масаласи қўйилди. Бунга эришиш учун ёндошувлар ҳам комплекс бўлишлигини тақозо қилмоқда. Бу дегани жойлардаги раҳбарлар, маҳаллий Кенгаш вакилларининг ҳам таълимга нисбатан эътибори ва масъулиятини ошириш масаласи қўйилди. Энди ушбу идоралар вакиллари мактабни текшириш билан эмас, балки бевосита ўзларининг ҳудудларидаги мактабларга кўмак бериш билан, таълим жараёнини янада жонлантириш учун тегишли шароитларни яратишга кўмаклашиш билан шуғулланади.

Ўқитиш ва унинг натижадорлиги энди, ўқувчиларни ёдлатиш тизимидан уларни мантиқий фикрлайдиган даражага кўтариш масаласи турибди. Бу таълимнинг барча босқичларига жорий қилинмоқда. Эндиги педагогларнинг иш услуби, уларнинг дарс бериш технологияси ҳам шунга мос равишда ўзгариши керак. Бунга эришиш учун таълим ташкилотларининг барча босқичларида ўқув юкламалари ва дарслар сонини

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури.

⁸ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16-июн куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.// Ҳукумат партали 16 Июнь 20211457

қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бугунги ҳар бир ўтилган дарс эртанги кунда ўқувчи ва талабалар ҳаёти ва фаолиятида асқатадиган бўлишлари керак. Бунинг учун таълим соҳасига ёндошув ҳам янгича бўлиш лозимлигини тақозо қилади. Чунки ҳозирги пайтда ёшларни таълимнинг барча босқичларида қамравини кенгайтириш борасида анча ишлар амалга оширилди. Буларнинг ҳаммаси масаланинг ўнгланиши билан боғлиқ биринчи босқич, яъни миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ жараёнлардир. Бироқ таълим сифатини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳали ўз натижасини берганича йўқ. Тегишли муваффақиятларга эришишимиз учун миқдор ва сифат ўзгариши бир-бирига мос бўлишлигини таъминлаш лозимдир.

Агар биз юқоридаги ҳолатларга эришсак, Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи таълим билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимини яхшилашга ва мос равишда ўқувчи ва талабаларнинг билим даражасининг оширилишига эришамиз. Шу тариқа мамлакатимизда инсон капитали бўйича рейтингимиз ошади ва халқаро майдонда ҳам ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўламиз.

Жаҳон банкининг мезонларига кўра **сифатли таълим олиш давомийлиги** инсон капиталининг асосий шартларидан бири сифатида белгиланган. Келажакда олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, асосий эътибор таълим сифатини таълимнинг барча босқичларида ошириб боришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2026 йилга қадар камида 10 та олий ўқув юртларимиз нуфузли халқаро рейтингларга эришиши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Барча таълим тизимида, хусусан олий таълимда ҳам сифат ва рақобат муҳитини кучайтирмасдан туриб, юқори даражадаги таълим сифатига эриши қийин. Бунинг учун давлат олий ўқув юртлари билан бирга хусусий, давлат шерикчилигидаги олий ўқув юртларини ҳам кўпайтиришни тақозо қилади. Бунга эришиш мақсадида 2026 йилгача хусусий олийгоҳлар сони камида 50 тага етказилиши кўзда тутилган.

Юқоридаги ҳолат мамлакатимиз таълим ташкилотлари ўртасида кучли рақобатни юзага келтиради. Бундай муҳит албатта таълим сифатининг оширилишига муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Таълим жараёнини тубдан ўзгартириш учун уни амалга оширадиган педагоглар ҳам тайёр бўлиши керак. Шу туфайли, масалани илғор педагогларни тайёрлаш билан шуғулланишдан бошлаш лозим бўлади. Бу албатта кечиктириб бўлмайдиган тадбирлардандир.

Биздаги мавжуд таълим тизимидаги яна бир нуқсон, талаба ва ўқувчиларни диплом олишга қаратилган ўқитиш билан шуғулланиб қолганлигида, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, ёш мутахассисларни қайсидир корхонада тадбиркорга ёки давлат идораларида ёлланиб ишлашга қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Улар у ёки бу соҳада мутахассис

бўлиб шаклланади. Лекин олий маълумотли мутахассислар ўзларини ўзлари иш билан таъминлаб, янги иш ўринларини очиб, янгидан иш бошлашга қаратилган мустақил фаолият билан шуғулланишга ўргатилмайди. Шу туфайли дипломли мутахассисларимиз иш жойининг бўшагини ёки кимнингдир янги иш ўринларини очишини кутиб яшамокда. Бу жараён чўзилиб кетган ҳудудларда олий маълумотли мутахассислар хорижга оддий ёлланиб ишлашга кетиб қолаётганлиги ҳам сир эмас.

Буларга барҳам бериш учун мамлакатимизда жуда хайрли ишлар бошланди. Энди мактаб ўқувчиларини ҳам касбга қизиқишларини аниқлаш ва уларнинг ҳар бирини босқичма-босқич ўзи қизиққан касбга йўналтириш тадбирлари жорий қилинмоқда. Энди таълимнинг сифатига шу ҳудудда жойлашган корхоналар ҳам масъул. Улар талаба ва ўқувчиларнинг бевосита корхонада амалиёт ўтишига кўмаклашади. Мактаблар ва бошқа таълим ташкилотлари билан узвий алоқада фаолият кўрсатишга саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳа субъектлари мажбур бўлмоқда. Шунингдек, таълим ташкилотлари жойлашга ҳудудларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, шоир ва ёзувчиларни ҳам мактабларга ва бошқа таълим муассасаларига бириктирилиб, мактабни ҳақиқий маънавият ва маърифат масканига айлантириш масаласи ҳам аста-секинлик билан жорий қилинмоқда.

Биз Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими бўйича рейтингида иштирок этар эканмиз, демак ўзимизда ҳам уни ҳар бир таълим ташкилотида ташкил қилиш ва таълим сифатини шу кўрсаткичлар билан баҳолаш тизимини ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу йўл билан ҳар бир таълим муассасасининг ва унда фаолият кўрсатаётган педагог кадрларнинг рейтинги аниқланади ва бу натижа, пировардида Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида ҳам ўз ифодасини топади. Шу тариқа ушбу кўрсаткичлар бўйича рейтингдаги ўрнимизнинг жаҳон миқёсида яхшиланиб бориши табиий. Ушбу рейтингнинг яна бир ижобий жиҳати шундаки, энди педагогларнинг тоифаларини аниқлашда аниқ манзилли кўрсаткичлар тизими шаклланади. Бу ўз навбатида ҳар бир ўқитувчининг тоифасини ошириш учун нималарга эътиборни қаратиши аниқ бўлади.

Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам киради. Бу ўта нозик масала. Чунки биргина янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимолини оладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич бир қанча омилларни ўз ичига олади. Биринчи галда она соғлом бўлиши керак. Бунинг учун оилада тегишли фаровонлик, маънавий муҳит яратилган бўлиши лозим. Буларни таъминлаш учун мамлакатнинг нафақат тиббиёт соҳаси, балки бутун иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ривожланган бўлиши лозим. Худди шундай ҳолат мазкур гуруҳга киритилган иккинчи кўрсаткич бўлган вояга етган

болаларнинг яшаб қолиш даражасида ҳам намоён бўлади. Пировардида болаларнинг соғлом ўсишини таъминлаш ҳам бевосита ушбу кўрсаткичларга боғлиқ. Булар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Шу туфайли инсон капиталини такомиллаштириш учун қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини кўриш мумкин. Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими

Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимининг биринчиси сифатида **янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимоли** олинган. Ҳақиқатда бу ёшгача боланинг сақлаб қолиниши шунчаки хоҳиш билан бўлмайди, балки жуда кўп омилларга боғлиқ. Бола соғлом бўлиши учун она соғлом бўлиши керак, она соғлом бўлиши учун жамоят соғлом бўлиши керак. Жамиятнинг соғлом бўлиши учун халқ фаровон, тинч ва хотиржам бўлишлиги лозим. Буларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун нималар қилиш лозимлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Булардан ҳам кўриниб турибдики, инсон капитали шакллантириш унчалик осон амалга ошириладиган иш эмас экан.

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Анна Бьерденинг Ўзбекистон иқтисодий форумида иштирок этиш учун Тошкентга ташрифи чоғида Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида ўтказилган ислохотлар натижаси ва 2030 йилгача камбағалликни икки бараварга қисқартириш, шунингдек, аҳоли даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш вазифасини амалга ошириш борасида ҳал

қилиш талаб этиладиган муҳим вазифаларни амалга оширилаётганлигини қайд этди. Бунда таъкидланишича “сўнгги беш йил мобайнида мисли кўрилмаган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни бошдан кечирган Ўзбекистон учун ҳал қилувчи пайт яқинлашмоқда”⁹, деб таъкидлаган эди. Камбағалликнинг қисқариши натижасида аҳолининг фаровонлиги таъминланади. Бу эса ўз навбатида янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимолини оширади.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши албатта, тиббиёт соҳасининг ҳам ривожланишига муҳим омиллардан ҳисобланади. Анна Бьерде ўз маърузасида 2030 йилгача Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги қатор мақсадларига эришиши учун тўрт муҳим инструментга тўхталишни лозим, деб топди. Бу вазифаларнинг учинчиси бевосита инсон ресурсига сармояларни кўпайтиришга қаратилди. Хусусан, “Олий таълим олиш имконияти кескин ўсди, шу билан бирга, малака ошириш ва касбий-техник таълимга давлат инвестициялари сезиларли оширилди. Бу ишларни келгусида ҳам кенгайтириб бориш, бунда ҳаракатлантирувчи кучи хусусий сектор бўлган янги иқтисодиёт эҳтиёжларига таълим тизимини мослаштириш зарур. Соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига инвестицияларнинг оширилиши, шунингдек, гендер тенгсизлик ва ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг ошишига олиб келувчи чекловчи сиёсатдан воз кечиш Ўзбекистон инсон капиталига янада ижобий таъсир кўрсатади”¹⁰, деб таъкидлади.

Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимидаги иккинчи йўналиш **вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражасида** ўз ифодасини топмоқда. Вояга етган болаларнинг яшаб қолиши ҳам жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Чунки, инсон капитали узоқ муддат шаклланади ва кейинчалик, бевосита ўзининг иш фаолиятини бошлаганидан кейин самара бера бошлайди. Шунгача унга инвестиция қўйиб бориш керак.

Бутун дунёда инсон капиталига узлуксиз инвестицияларни киритиб бориш лозим. Ҳар бир ўқувчи жисмоний соғлом бўлиш билан бирга замон талабига жавоб берадиган етук мутахассислар бўлиши лозим. Ҳар бир бола 18 ёшга кирганда соғлом ва билимли бўлиши инсон капиталининг сифатлигини белгилайди. Бу ёшда ҳар қандай киши ўзи мустақил яшаб кетадиган салоҳиятга эга бўлиши керак. Шу туфайли ушбу ёшдаги кишилар ҳақиқий инсон капитали даражасини белгилашини инобатга олиб инсон капитали индексини ҳам шунга мослаштирган ҳолда аниқлаш усулларини

⁹ Ўзбекистон кўпроқ сифатли иш ўринлари яратиб камбағалликни икки баравар қисқартириши мумкин – Жаҳон банки.// <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/>

¹⁰ Ўзбекистон кўпроқ сифатли иш ўринлари яратиб камбағалликни икки баравар қисқартириши мумкин – Жаҳон банки.// <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/>

ҳам қўллайди. Бу ёшда жуда кўп мамлакатларда турли кўрсаткичлар мавжуд. Жумладан, “Сингапурда ўқувчиларнинг 98 фоизи, Жанубий Африкада 26 фоизи ўрта мактабда халқаро базавий даражага эришади. Бошқача айтганда, Сингапурда ўрта мактаб ўқувчиларининг деярли барчаси дунёнинг исталган жойида ишлаш учун етарли малакага эга. Жанубий африкалик ёшларнинг қарийб тўртдан уч қисми саводсиз. Бу инсон салоҳиятини йўқотиш”¹¹дан бошқа нарса эмас.

Бизда меҳнатга қобилиятли 18 ёшга кирган аҳолининг неча фоизи мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тармоқларида бемалол ишлаб кета олади. Буни аниқлаш албатта муаммо. Биринчидан, шу ёшдаги кишиларнинг неча фоизи соғлом. Фараз қиламиз юз фоизи ҳам соғлом бўлган тақдирда ҳам, малака етишмаслик ҳам мазкур масаланинг ўз вақтида сифатли ечимини топишга қийналади. Аммо неча фоизи бевосита ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши мумкин. Бу албатта муҳим ва ҳал қилишни талаб қиладиган масалалар сирасига киради.

Соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши) ҳам Жаҳон банкининг инсон капиталини ифодаловчи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимига киради. Болаларнинг дунёга келиши битта масала бўлса, уларнинг соғлом, нуқсонсиз ва тегишли малакага лаёқатли бўлиб ривожланиши унданда муҳим масалалардан биридир.

Қайд этиш жоизки, инсон капитали индекси вақти-вақти билан Жаҳон банкида фаолият олиб борадиган алоҳида гуруҳнинг йиллик йиғилишида тақдим этилади ва кўриб чиқилади. Бунда бугун дунёга келган боланинг 18 ёшга етганда саломатлик ҳолати қандай бўлиши мумкинлиги, шунингдек, таълимнинг сифати, унинг замонавий талабларга жавоб бериши, назария билан амалий кўникманинг уйғунлигининг таъминланганлиги каби кўрсаткичлар ўз ифодасини топади. Бизда ҳам Сингапурдаги каби 18 га тўлган мактабни битирган ўқувчиларнинг 98 фоизи бемалол ҳар қандай ишни бажарадиган даражага етса инсон капиталининг сифатлилик даражасининг ошганлигини таъминлаган бўламиз. Шундагина бу борада етарли муваффақиятларга эришдик, деб баралла айтишимиз мумкин.

Дунё олимлари инсон капиталини ривожлантиришнинг афзалликлари нималарга олиб келиши ҳақида етарли маълумотларга эга. Бироқ бу тегишли давлатларнинг шу йўналишдаги ҳаракатларини жадаллаштиришга ишончли даъват бўла олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу туфайли бу ишлар билан ҳам алоҳида шуғулланиш, тегишли инвестицияларни киритиш каби ишларни қамраб олади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантириш масалалари бўйича ҳали мамлакатимизда анча муаммолар мавжуд. Уларнинг ечимлари устида қизғин ишлар олиб

¹¹ Инсон капиталини ривожлантиришдаги узилишлар.// <https://daryo.uz/k/2018/07/12/inson-kapitalini-rivojlantirishdagi-uzilishlar/> 13:00, 12.07.2018 15795.

борилмоқда. Бироқ бу тадбирлар қисқа даврда амалга ошадиган эмас. Бунга анча вақт ва маблағ керак. Бугунги кунда маблағлар етарли даражада сарфланмоқда. Бироқ, унинг самарасига қисқа муддатда эришиш имконияти йўқ. Буларни инобатга олиб бир қанча муаммоларни ҳал қилишни тавсия қиламиз.

Биринчидан, инсон капиталининг назарий масалаларини чуқур тадқиқ қилиш, унинг иқтисодий категория сифатида мазмунини назарий жиҳатдан тўлиқ очиб бериш, ушбу категориянинг қай даражада эканлигини баҳолаш, бунда мамлакатимиз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уни ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш масалалари бўйича аниқ таклифлар тегишли тарзда ишлаб чиқилган бўлишлиги лозим.

Иккинчидан, таълимнинг давомийлиги, таълим натижалари (билим даражаси), сифатли таълим олиш давомийлиги билан боғлиқ масалалар бўйича ҳали анча муаммолар мавжуд. Буни ҳал қилиш учун ўқув ташкилотлари моддий-техника базасини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага етказиш, педагог кадрларни ҳам бугунги талаб даражасига мослаштирган ҳолда тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларини йўлга қўйиш ва болаларимизни диплом учун эмас, ҳақиқий билим олиши учун ўқишини таъминлаш чораларини кўриш лозим бўлади.

Учинчидан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қанча ислохотларни амалга ошириш натижасида янги туғилган боланинг 5 ёшгача яшаб қолиш эҳтимолини ошириш, вояга етган болаларнинг яшаб қолиш даражасини кўтариш, соғлом ўсиш (нуқсонсиз ривожланаётган болалар улуши)нинг ҳам давомийлигини таъминлаган ҳолда вояга етган болаларнинг соғлом ва билимдон бўлиб тайёрланишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлаш ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун дуал-таълим тамойилини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу таълим тизимининг афзалликлари мактабдан то докторантурагача бўлган босқични тўлиқ қамраб олади ва таълим занжири “мактаб – коллеж – техникум – олий ўқув юрти” тизими шаклланади. Муҳими амалиётнинг талабидан келиб чиқиб, таълимнинг барча бўғинида малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилади. Муҳим жиҳат, бу тизимда олий ўқув юрти амалиёт эҳтиёжига мослаштирилган ҳолда амалга оширади. Энди талаба-ўқувчилар нафақат назарий фанларни, балки назарий фанлар билан бирга амалиётни ҳам бирга қўшиб чуқур ўрганиб боради. Бунда уч ойлик ўқиш ва уч ойлик иш тамойилига амал қилинади. Ушбу тизим мутахассисларнинг етуклигини таъминлаб, сифатли инсон капиталининг шаклланиши учун асос бўлади.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, мамлакатимизда

инсон капиталининг сони ва сифати сўзсиз яхшиланиб боради. Ушбу жараённинг бардавомлиги таъминланса мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида сифат ўзгаришлари рўй беради. “Янги Ўзбекистон”га ва учинчи ренесанс талабларига мос ҳолдаги ёшлар тарбияланади. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги рақобатбардошлигини тўлиқ таъминлаб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ташкенбаев У.Н. Ўзбекистонда шахс ўз салоҳиятининг неча фоизидан фойдалана олиши ҳисоблаб чиқилди. // FacebookTwitterTelegram 21:53 / 18.10.2020 13199., <https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>.
2. Абдурахманова Г.Қ., Рустамов Д.Ж. “Инсон капиталини рақамли иқтисодиёт асосида ривожлантириш йўналишлари”. Монография. – Beau Bassin: “GlobeEdit” Publisher, 2020. – 127 б.,
3. Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Инсон капитали мактабда яратилади. // <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/1486.htm>.,
4. Усмонов Б.Ш., Қодиров М.Қ., Элтазаров Ж.Д. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. -83 Б.,
5. Жониев Ф. Инсон капитали ва миллий кадриятлар. <https://zamin.uz/hayot-tarzi/11291-inson-kapitali-va-milliy-adriyatlar.html>.,
6. Амиркулов Ш.О.Инсон капитали: шаклланиши ва ривожланиши. Инновацион технологиялар/Innovative technologies. – 2020 йил 2-сон. – 87-92 бетлар.
7. Инсон капитали: моҳияти ва уни ўрганишга ёндашувлар. Иқтисод ва Молия / Экономика и Финансы № 10, 2011 Журнал. – 53-57 бетлар.
8. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Кўзиев З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, - 2020. – 260 бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январда қабул қилинган “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.
10. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 16-июн куни олий таълим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.// Ҳукумат партали 16 Июнь 2021 1457.
11. Иброҳимов И. Дуал таълим тизими.—“Халқ сўзи” газетаси. 229-сон. 2020 йил 30 октябрь – 1-2 бетлар.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сайловолди дастури.

14. Ўзбекистон кўпроқ сифатли иш ўринлари яратиб камбағалликни икки баравар қисқартириши мумкин – Жаҳон банки.// <https://daryo.uz/>.

15. Инсон капиталини ривожлантиришдаги узилишлар.// <https://daryo.uz/k/2018/07/12/inson-kapitalini-rivojlantirishdagi-uzilishlar/> 13:00, 12.07.2018 15795.

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Бобаназарова Жамила Холмуродовна - Жиззах политехника институти “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.

Аннотация. Мақолада камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари, камбағалликнинг жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар. камбағаллик, турмуш даражаси, норасмий иш билан бандлик, янги иш ўринлари, стратегия, “Темир дафтар”, камбағалликни қисқартириш.

Аннотация. В статье выдвинуто понятие бедности, критерии ее определения, предложения по устранению ряда негативных процессов бедности в обществе и экономике. С учетом зарубежного опыта внесены предложения по разработке критериев и методов оценки для определения уровня бедности, минимальных стандартов и нормативных основ социального обеспечения.

Ключевые слова. бедность, уровень жизни, неформальная занятость, новые рабочие места, стратегия, «Железная книга», сокращение бедности.

Abstract. The article puts forward the concept of poverty, criteria for its definition, proposals for eliminating a number of negative processes of poverty in society and the economy. Taking into account foreign experience, proposals have been made to develop criteria and assessment methods for determining the level of poverty, minimum standards and normative foundations for social security.

Keywords. poverty, standard of living, informal employment, new jobs, strategy, “Iron Book”, poverty reduction.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида камбағаллик даражаси аҳолининг турмуш тарзида ифодаланиб, ижтимоий масала сифатида деярли барча иқтисодий тизимларда намоён бўлади. Камбағаллик мамлакат иқтисодий

ривожланишига салбий таъсир кўрсатган ҳолда, меҳнат бозорида турғун рақобатсизлик ҳолатини келтириб чиқаради, иқтисодий ва ижтимоий тизимларнинг ўзаро мувозанатини бузади, шунингдек, аҳоли харид қобилиятининг пасайиши эвазига бозор умумий талабини ҳам камайтиради.

Камбағаллик ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшаши, меҳнат қобилиятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатнинг тавсифидир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланади ва мазкур

жамиятда турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. У оилани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки касалхонада даволаниш, ўз ерида истеъмол маҳсулотларини етиштириш ёки яшаш имконини берадиган даромад топадиган ишга эга бўлиш, шунингдек, кредитларни олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади¹².

Камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахассисликлар ва касб-ҳунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувлари бўйича амалий ва илмий тадқиқотлар ижтимоий йўналтирилган рақамли бозор иқтисодиёти талаблари асосида етарлича олиб борилмаганлиги мазкур мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда мамлакатимизда ҳам ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар тадқиқоти, камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқишда адабиётлар таҳлили ўзига хос илмий асос вазифасини ўтайди.

Адабиётлар шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек¹³ “Камбағалликни камайтириш аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”.

¹²Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк.Женева, 2017 г. с.4.

¹³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Олимларнинг фикрича¹⁴ “Камбағаллик юртимизда кўп йиллар “ёпик мавзу” бўлиб, авваллари бу категориянинг ўрнига юмшатиш қабилда “кам таъминланганлик” тушунчаси билан алмаштириб келинган эди. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган очик демократик сиёсат туфайли мазкур муаммонинг мавжудлиги, унинг ечими бўйича чуқур таҳлилларни амалга ошириш, уни пасайтириш ва келажакда бартараф этиш ҳақида юксак минбарларда ҳам очик-ойдин гапирилмоқда.

Аҳолининг камбағал қатлами мамлакатга хос бўлган тезкор иқтисодий ўсишдан фойда кўриш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти чекланганлиги туфайли ривожланишга ҳам ҳисса қўша олмайди. Жаҳон банки томонидан ўрнатилган мезонга мувофиқ, киши камбағаллик чегарасидан пастда қайд этилиши учун унинг даромади кунига 1,9 доллардан ошмаслиги керак. Айни ўлчамдан келиб чиқадиган таҳлилларга кўра, бугунги кунда сайёрамизнинг, тахминан, 700 миллион кишиси мутлақ қашшоқ ҳисобланади. COVID-19 юзага келиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши оқибатида 2021 йил охирига бориб кўшимча яна 150 миллион киши ўша даражага тушиб қолиши хавфи ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси учун қашшоқлик чизиғи - кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани, мисол учун беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал деб ҳисоблаш мумкин¹⁵.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида камбағалликни камайтириш бўйича тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш, баҳолаш, сўровномалар асосида социологик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 46 турдаги маҳсулот ва бирламчи хизматлар киритилган истеъмол саватчаси 650 минг сўм, ҳаёт кечиришнинг энг қуйи даражаси 810 минг сўм атрофида ҳисоблаб чиқилган. Бироқ, истеъмол саватчаси ёш, жинс, мавсумийлик нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Камбағалликни камайтиришнинг асосий йўналишлари бўлган норасмий иш билан бандликни қисқартириш ва янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш ҳамда ёшларни замонавий мутахасисликлар ва касб-ҳунарларга тайёрлашни стратегик ёндашувларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар

¹⁴Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. 1/2020 (№ 00045)

¹⁵Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатимиз ва жамиятимиз марказида бўлиб келган. 2021 йилнинг 12-13 август кунлари Тошкентда “Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси”да Тошкент Ёшлар декларацияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг “Ёшлар ва бандлик” номли қисмида бутун дунёда ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, пандемия шароитида иш билан таъминлаш масаласида чекланганини тан олган ҳолда, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича Миллий ҳаракатлар режаларини қабул қилиш белгиланди. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди. Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади¹⁶.

Жаҳон мамлакатларида камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделлар қўлланилади, бу борадаги тажрибаларга қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, швед модели ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб, тўлиқ бандлик ва даромадлар тенгсизлигини камайтириш дастурларидан кенг фойдаланади. Чехияда эса камбағал аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун маҳсулотлар ва пул кўринишидаги кўшимча кўмаклар нафақадан ташқари мунтазам бериб борилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи молиявий воситалар ишлайди. Озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олади. Ёшлар учун эса касбий кўникмалари ва малакаларини ошириш учун махсус дастурлар ажратилади¹⁷.

Мамлакатимизда “Ёшлар ўртасида камбағалликни камайтириш, уларни ўзини - ўзи банд қилишга рағбатлантиришда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, “Ёшлар дафтари” муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур йилда “Ёшлар дафтари”га киритилган 430 минг нафар

¹⁶Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари // Янги Ўзбекистон. № 165, 2021 йил 17 август

¹⁷www.worldbank.org.

йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

“Камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш ҳамда меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрелдаги 183-сон қарори ва мазкур ҳужжат асосида қабул қилинган 1-илова “Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари тўғрисида”ги низом, 2-илова “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг касб-ҳунарга ўқитиш марказлари тўғрисида”ги низом, 3-илова “Ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низоми, 4-илова “Энг яхши касбга тайёрлаш дастури” бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида очиқ танлов ўтказиш тартиби тўғрисида” низоми, 5-илова “Ишга жойлаштиришга доир йўлланма” ҳамда ишга жойлашишга кўмаклашиш юзасидан мурожаатнома шу соҳа бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг ҳуқуқий асосидир.

“Янги Ўзбекистонни ҳалол меҳнат қилиб муваффақиятга эришишни орзу қиладиган, тадбиркорлик орқали ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлашга интиладиган, Ватани ва халқига сидқидилдан хизмат қилишни истайдиган барча фуқаролар учун кенг имкониятлар мамлакатига айлантиришимиз шарт ва зарур. Биз тақдим этаётган иқтисодий стратегияда тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратиш бирламчи вазифа деб белгиланади. Шунинг учун камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил - бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши керак”.

Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди. Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ходимлари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижада жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Хулоса ва адабиётлар

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида камбағалликни қисқартириш, турмуш даражасини ошириш учун:

- ҳудудларда меҳнатга лаёқатли ёшларнинг иш билан бандлик чора-тадбирларини амалга ошириш, ишсизлик даражаси юқори бўлган жойларда турли дастурларни амалга оширишга эришиш;

- фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш ҳисобига янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, миллий “рақамли иқтисодиёт”ни шакллантириш, микрокластер тизимини ривожлантириш,

тадбиркорликни ҳар тарафлама рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш орқали барқарор, самарали, меҳнатга муносиб ҳақ тўланадиган иш жойлари ташкил этишни кўпайтиришга эришиш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида иш билан бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорини барқарорлаштиришга эришиш учун ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш;

- тирикчилик воситаларидан маҳрумлик, тенгсизлик, маданий, эксплуатация кўринишидаги ҳамда таркибий камбағалликка қарши курашиш борасида кишиларнинг иқтисодий тафаккури ва иқтисодий тарбиясини ўзгартиришга эришиш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк-Женева, 2017 г. с.4.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н., Хамидов Р. Ўзбекистонда камбағалликни аниқлаш ва қисқартириш давлат сиёсати даражасида. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. 1/2020
4. Жумаев Н. Коронавирус ортидаги иқтисодий муаммолар, камбағаллик, ошаётган ташқи қарз ва ЕОИИ. 16.04.2020. <https://kun.uz>
5. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири саволларига жавоблари // Янги Ўзбекистон. № 165, 2021 йил 17 август
6. www.worldbank.org.

ФЕНОМЕН ПРОБЛЕМАТИКИ ОТМЫВАНИЯ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ, ПОЛУЧЕННЫХ ПРЕСТУПНЫМ ПУТЕМ В РОССИЙСКОЙ ЭКОНОМИКЕ И МЕТОДОВ РЕГУЛИРОВАНИЯ

Зенченко Светлана Вячеславовна - доктор экономических наук;
The possession, use and disposal of land and water were the basis of the economic relations of society in the Middle Ages. The service of Amir Temur is that it strengthened economic relations, ensured stability until the time of his

reign, and prevented abuse.

According to Sahibkiran's statement that "if the state is not built on a religious basis, it will lose its prestige, power and order" - a religious authority that protects and distributes funds. A judge, mufti, accountant (CLL) has been appointed in each city and province.

During the Temur period, the form of land use and exploitation was very developed, and Sayyids, sheikhs, palace servants and high-ranking officials were killed. The fact is that Temur himself controlled the condition of the land and the foundations that were given to him as burial grounds, and the work of bureaucrats.

Most importantly, the land, water and property of the chairman were protected, their immunity was ensured. Amir Temur learned about the plight of every resident of the country. The oppressors will pay the oppressed and take measures to compensate for the material and physical damage that they inflicted, and the rulers, soldiers and leaders had to quickly act on justice and justice.

The basic principle of Amir Temur's economic policy was "to make the country prosperous and accept the rule". He believed that this could be achieved through the development of agriculture, the means of human prosperity and human livelihoods. The consent of the rulers was both in the wealth of the treasury, and in the economic basis of its military power. According to the historian Ibn Arabsh, Amir Temur paid so much attention to the development of agriculture that he ordered that no one abstain from agriculture, even if he had to leave his prayer. Today, for our rulers and officials, Amir Temur instructed farmers and farmers to "please themselves" not only their own country, but even every conquered country. He believed that the help and support of farmers is the basis of state economic policy. The destroyed lands were decorated by the state if they did not own it.

Based on the foregoing, we can conclude that the service of Amir Temur was to strengthen economic relations, ensure stability, prevent abuse and social protection of the population. Economic considerations, which are the main principle of the "Make the country prosperous, accept rhetoric" economic policy, remain valid.

References

1. The kingdom of Temur and the Temurids. Editor-in-Chief - T.: 1994.
2. Ibrahim is a believer. The role and role of Amir Temur in the history of Central Asia. "The science". T.: 1968.
3. Council of Amir Temur. Tashkent. "Navruz" - 1992.
4. Temur traps. Tashkent. Publishing and Resource Association. - 1991
5. Muhammadjon Holbekov. Correspondence of Amir Temur with the kings of Europe. Samarkand. 1996.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ - ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

У.Худайбердиев – и.ф.н., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
доценти

Аннотация. Мақолада давлат бюджети даромадлари ва харажатларнинг шаклланиши, бюджет харажатларининг ижтимоий-иқтисодий тармоқларни ривожлантириш учун сарфланиши баён қилинган бўлиб бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. давлат бюджети, даромадлар, харажатлар, солиқ тўловлар, вазирлик ва идоралар, талон-тарож.

Аннотация. В статье описывается формирование доходов и расходов государственного бюджета, расходная часть расходов бюджета на развитие социально-экономических отраслей, а также предлагаются предложения и рекомендации по эффективному использованию бюджетных средств.

Ключевые слова. государственный бюджет, доходы, расходы, налоговые платежи, министерства и ведомства, мародерство.

Abstract. The article describes the formation of state budget revenues and expenditures, the expenditure side of budget expenditures for the development of socio-economic sectors, and also offers suggestions and recommendations for the effective use of budget funds.

Keywords. state budget, revenues, expenses, tax payments, ministries and departments, looting.

Кириш. Ҳар бир давлат ўзининг функциясини бажариши учун давлат бюджетини ташкил этади Давлатнинг асосий функциялари мамлакат иқтисодиётни ривожлантириш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ички ва ташқи душманлардан мамлакатни ҳимоя қилиш (мудофаа ва ички ишлар ташкилотлари) ҳамда давлатни самарали бошқарув тизимни ташкил этишдан иборат. Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборат бўлади Давлат бюджети даромади юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган турли ҳил солиқлардан ташкил топади Солиқлардан мажбурий тўловлар бўлиб асосан манбаи мамлакат ялпи даромадини тақсимлашдаги бир қисмидир. Демак солиқларнинг ҳажми мамлакат иқтисодий ривожланиши даражасига боғлиқ.

Мавзуга адабиётлар таҳлили. Олимларимиз иқтисодий адабиётларда, илмий ишларида давлат бюджетининг моҳиятини назарий жиҳатдан асослаб беришган. Профессорлар Б.Ходиев, Ш.Шодмановлар “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “Давлат бюджети - бу давлат даромадлари ва харажатлар ҳамда уларни молиявий қоплаш манбаларининг йилик режасидир” деб таъриф берган (4, 586 б.). Профессор А.Ўлмасов

“Иқтисодиёт” номли оммабоп қўлланмасида “Давлат бюджети – бу муайян давлатнинг бир йилик даромадлар ва харажатларнинг баланси янги йигиндисиدير” деб таърифлаган (5,152 б.). Профессор М.Мухаммедов раҳбарлигида тайёрланган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “Давлат бюджети - давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режаси келтирилган молиявий хужжат” деб таъриф берилган. Демак, иқтисодий адабиётларда давлат бюджетининг асосан назарий томонига эътибор қаратилган. Давлат бюджети даромадларнинг шаклланиши муҳим мавзудир. Лекин шаклланган бюджет даромадларини мақсад ва тасдиқланган режа бўйича туғри фойдаланиш (харажат қилиш) унданда муҳимдир. Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборат бўлиб бир йилга тузилади Лекин баланс бўлиши қийин. Давлат бюджетнинг даромадлари харажатларидан кўп бўлса профицит деб, аксинча даромадларидан харажатлар кўп бўлса дефицит дейилади. Давлат бюджетнинг қандай бўлиши (дефицитли ёки профицитли) кўп омилларга боғлиқ. Бу омилларга иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси солиқ турлари ва уларнинг ставкалари ислохотларнинг босқичи ижтимоий вазият ва шу қабилир.

Тадқиқот методологияси. Ишда макон ва замон, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, мантикий фикрлаш усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини ўрганганимизда қўйидагилар аниқланди. Давлат бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Солиқлар тушумида энг катта хиссани билвосита гуруҳига киритиладиган аҳоли истеъмоли учун жуда зарур бўлмаган товарларга қўйиладиган - аксиз солиғи хам ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қўйиладиган қўшилган қиймат солиғи ташкил этади. Шунини хам таъкидлаш керакки-мамлакат иқтисодиёти ривожланган сари-корхоналарга (юримдик шахсларга) белгиланган солиқ ставкалари пасайтирилиб солиқ имтиёзлари қўлланиб тадбиркорликни ривожлантириш учун имкониятлар яратилмоқда

Ўзбекистонда юримдик шахслардан қўшилган қиммат аксиз даромад солиғи ер ва мулк солиқлари олинади жисмоний шахслардан даромад солиғи ер ва мулк солиқлари олинади. Мамлакат иқтисодиёти ривожланган сари солиқ ставкаси 2000 йилда 31,0 фоиз бўлган бўлса, 2022 йилга 15,0 фоиз белгиланган қўшилган қиймат солиғи хам кўп вақтлар 20,0 фоиз эди, хозир эса 15,0 фоизга туширилди. Жисмоний шахслар даромад солиғи ставкаси даромадга қараб дифференсация қилинган бўлиб энг кам иш ҳақининг 10 баравари кўпи 40,0 фоиз солиқ ушланар эди. Хозирги пайтда даромад солиғи даромадидан қатъий назар -12,0 фоиз белгилаган.

2020 йил 20 декабрда 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Қонунда 2022 йил “Давлат бюджети даромадлари ва харажалари асосий параметрлари хамда

2023-2024 йиллар учун бюджет прогнозлари белгиланган Давлат бюджети” соф даромадлари 1995 мрлн сум режалаштирилган бўлиб доимгидек асосий тушумини (80,0 фоизни) бевосита билвосита солиқ гуруҳлари ва ресурс тўловлари ташкил этади. Давлат бюджети харажатлари 215,0 трлн. сўм белгинлаган бўлиб, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи миқдорида белгиланган. Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилган. Булар халқ таълими соғлиқни сақлаш аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш коммунал хизматни яхшилаш (тоза ичимлик суви, табиий газ каби) кам таъминланган боқувчисини йўқотган ногиронлиги болаларга нафакалар бериш кабиларни ўз ичига олади. 2022 йил Давлат бюджети харажатлари 58 та вазирлик ва идоралар бўйича тақсимланган бўлиб, таълим соҳасининг барча харажатлари 469 трлн. сўм белгиланган шундан мактабгача таълим вазирлигига 65 трлн. сўм. Халқ таълими вазирлигига -258 трлн. сўм. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига – 42 трлн. сўм ажратилган. Болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси - 62 фоиз. Айниқса бу масала кишлок жойларга Кашкадарё ва Сурхандарё вилоятларида муаммо шунинг учун жойларга 1600та болалар боғчаси қўриш ва уларни жиҳозлаш режалаштирилмокда Бу борада давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этиладиган мактабгача таълим муассасаларига эътибор берилмокда Жойларда ўрта мактаблар етишмаслиги кўпгина мактаблар икки сменада ўқув ишларини таъмирланиши мўлжалланмокда. Бундан ташқари бюджет маблағлари мактабларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда ўқитувчиларнинг иш хакини кўпайтиришга сарфланади. Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қаршли кўпгина ОТМларга замонавий техника билан жиҳозланган лабораториялар талабалар турар жойлари етишмайди. Талабаларнинг куўчилиги ижарада, хусусий уй-жойларга туришади. Бундай жойларда талабаларнинг ўқиши, билим олиш учун шароитлар мавжуд эмас. Шунинг учун бу вазирликда режалаштирилган бюджет маблағлари асосан замонавий лабораториялари ташкил этиш талабалар учун турар жойлар кириш ва уларни жиҳозлашга сарфланади. Аҳолининг соғлигини сақлаш бўйича жаъми 228 трлн. сўм сарфлаш мўлжалланмокда. Бу маблағлар тез тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, буйрак ва жигар трансплантацияси ҳамда бошқа жиддий кассаликлар бўйича юқори технологик лаборатор ускуналар олиш дори-воситалари билан таъминлаш, каронавирус касалликдан ҳимоя қилиш ҳамда тиббиёт хадимларининг иш хакини босқичма-босқич кўпайтиришга сарфланади. Мамлакатимизда темир дафтар, аёлалар дафтари, ёшлар дафтари юритилиб, кам таъминланган ногиронлиги бор оилалар аниқланиб, уларнинг оила аъзоларни бепул касбга ўқитиш ташкил этилиб, ишга жойлаштирилмокда, моддий ёрдам кўрсатилмокда. Республика Президенти Ш.Мирзиёев Қарорига биноан 2021 йил декабр ойида 2022 йил янги йил арафасида кам

таъминланган, эхтиёжманд оилаларга 8000 минг сўмдан бир марталик ёрдам пули тарқатилди. 2022 йил Давлат бюджети харажатларида иқтисодий тармоқлари саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ҳам маблағлар ажратилган. Саноатда тоғ-кон, енгил ва озиқ-овқат, тармок саноатларини янада ривожлантириш айниқса қайта ишлаш корхоналарни ташкил этиб, қўшилган қийматни кўпайтириш белгиланган Қишлоқ ва Сув Вазирлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдор навларини яратишга сув тақчиллиги сабаб томчилатиб суғоришни кенг жорий этишга сарфланади. Қонун бўйича туманларда (шахарларда) тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланган. 2022 йил Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари режа микдорлари белгиланди. Қонун билан тасдиқланди. Энди асосий вазифа бюджет маблағлари тушумини ва сарфланишини назорат қилиш ва тўғри бошқаришдан иборат Давлат бюджетига тушумларни (даромадни) кўпайтириш учун иқтисодий тармоқларни ривожлантириб, янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш, яширин иқтисодий легаллаштириш зарур. Бу борада тадбиркорларга ератилаётган қулайликлар турли хил имтиёзлар берилмоқда. Давлат бюджети маблағларини талон тарож қилмасдан мақсад бўйича самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ОАВда давлат бюджети маблағлари талон тарож бўлаётганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам бериб қолади, республика Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат молия назорати 2021 йил 9 ойи давомида бюджет маблағларининг 7288 млрд сўми нотўғри сарфланганини шундан 837 млрд. сўми пул ва моддий бойликларни ўзлаштирилганлиги аниқланган. 2021 йилда Ўзбекистондаги қўрилиш, таъмирлаш ишларида Давлат бюджети маблағларини кўшиб ёзишлар орқали 920 млрд. сўми ўзлаштириб юборилган. Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Н.Йулдошев 2021 йил июнь ойида Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари 2018-2020 йилларда қарийиб 200 млрд. сўмлик бюджет маблағларини талон-тарож қилганлигини маълум қилди. Давлат бюджети маблағларининг ўзлаштирилиши талон-тарож қилиниши кам сумма эмас, бир ойда бўлмаган, булар аниқланганлиги бу суммаларга қанчалик болалар боғчаси мактаблар кўрса бўлар эди. Демак тегишли вазирликлар Молия вазирлиги, назорат бўлимлари яхши ишлатайди, қисоб-китоб ишлари қониқарсиз, жамоатчилик назорати яхши йўлга қўйилмаган бюджет маблағлари сарфланиши бўйича шаффофлик йуқ дейиш мумкин, хулоса ва таклифлар тегишли вазирликлар, молия вазирлиги, бюджет маблағлари сарфланишини мақсадга мувофиқлигини самарали ишлатиётганлигини, оператив назоратини кўчайтириши лозим. Бюджет маблағларини сарфлашда ҳисоб-китоб ишларини яхши йўлга қўйиш

харажатларнинг лойиха -смета қийматидан ошиб кетмаслигининг устидан назорат қилиш керак. Бюджет маблағларининг сарфлашининг шаффофлигини жамоат назоратини ўрнатишни таъминлаш лозим, ҳуллас давлат бюджети маблағлари сарфланиши устидан шаффофлик таъминлана оператив назорат ва бухгалтерия ҳисоби яхши йўлга қўйилса маблағларнинг ноқонуний ўзлаштирилиши талон-тарож қилиниши камаяди. Натижада аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади, иқтисодиёт тармоқларнинг бирор соҳаси ривожланишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2022 йил учун “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети” тўғрисида УРК-742, 2021 йил 30 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз мустақиллиги - биз учун кўч-ғайрат ва илхом манбаи тараккиёт ва фарвонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йилик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 31 август.
3. Мухаммедов М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т.Фан ва технология нашриёти, 2018, 272 бет.
4. Ходиев Б., Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Т. Баркамол файз медиа нашриёти, 2017, 784 бет.
5. Ўлмасов А. Иқтисодиёт.Т. Иқтисод ва молия. 2017, 224 бет.
6. Самаркандский вестник. газет №87, 2021 йил 3 ноябр.
7. <https://kun.uz/89849434> 8 <https://kun.uz/77658407>

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА БАЙНАЛМИНАЛЛАШУВИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

А.Х.Джумаев - СамДУ “Инсон ресурсларини бошқариш” факультетининг “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви ривожланишининг замонавий тенденциялари ва шарт-шароитлари, унинг байналминаллашувини бошқичлари ҳамда халқаро иқтисодий интеграциянинг турлари илмий-назарий жиҳатдан мукамал асослаб берилган.

Калит сўзлар. кооперация, интеграция, байналминаллашув, интеллектуал мулк, янги капиталистик иқтисодиёт, меҳнат миграцияси, капитал миграцияси, минтақавий интеграция.

Аннотация. В статье дано научно-теоретическое обоснование современных

тенденций и условий глобализации мировой экономики, этапов ее интернационализации и типов международной экономической интеграции.

Ключевые слова. кооперация, интеграция, интернационализация, интеллектуальная собственность, новая капиталистическая экономика, трудовая миграция, миграция капитала, региональная интеграция.

Abstract. The article provides a scientific and theoretical substantiation of modern trends and conditions of globalization of the world economy, the stages of its internationalization and types of international economic integration.

Keywords: cooperation, integration, internationalization, intellectual property, new capitalist economy, labor migration, capital migration, regional integration.

XIX-асрнинг охирида бошланган ва XX-аср давомида эволюцияли ривожланган ҳамда XXI-асрнинг дастлабки ўн йилликларида жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий жараёнларидан бири ҳисобланган глобаллашув – бу прогрессив глобаллашув бўлиб, у жаҳон иқтисодий ҳаётининг байналмилалла- шувини сифат жиҳатидан янги босқичдир.

Кўпчилик мутахассисларнинг, мамлакатлар аҳолисининг аксариятини глобаллашувга муносабати жуда ноаниқ ва баъзан диаметрик равишда қарама-қаршидир. Бу глобаллашув жараёнларининг оқибатларига турлича қарашлар билан боғлиқ бўлиб, бунда баъзилари жаҳон хўжалик тизимида жиддий хавф туғдирса, бошқалари иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги воситаси сифатида қарайди. Шубҳасиз, глобаллашувнинг ижобий натижалари ва салбий оқибатлари бўлиши мумкин, аммо унга бошқа муқобил йўл йўқ.

Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперацияси, халқаро меҳнат тақсимоли, ташқи савдо ва умуман халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро алоқалари ҳамда бир бирига боғлиқлиги кучаймоқда ва уларнинг нормал ривожланишини ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олмасдан туриб аниқлаб бўлмайди. Бу жараёнлар иқтисодчилар тилида одатда, иқтисодий ҳаётнинг байналмилаллашуви деб аталади ва биз энди ушбу концепцияни умумий таърифини беришингиз мумкин:

Иқтисодий фаолиятнинг байналмилаллашуви - бу алоҳида мамлакатлар иқтисодиётининг алоқалари ва ўзаро боғлиқлигини кучайиши, халқаро иқтисодий муносабатларнинг миллий хўжаликларга таъсири, мамлакатларнинг жаҳон хўжалигидаги иштирокидир.

Кишилик жамияти ва жаҳон иқтисодиётини ривожланишида иқтисодиётнинг байналмилаллашуви бир қанча босқичларни босиб ўтди. Дастлаб бу халқаро иқтисодий ҳамкорлик эди ва у биринчи навбатда муомала соҳасига таъсир кўрсатди ҳамда XVIII–XIX-XX асрларда халқаро(жаҳон) бозорнинг вужудга келиб ривожланиши ва кучайиши билан

боғлиқ эди. Айниқса, XIX-аср охири ва XX асрда капиталнинг халқаро ҳаракати ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик тез ривожланиб кенгайиб борди..

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик деганда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги барқарор иқтисодий алоқаларни ривожланиши, такрор ишлаб чиқариш жараёнларини миллий чегаралардан ташқарига кенгайиши тушунилади.

Кейинги босқич халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, капиталнинг байналмилаллашуви, илмий-техникавий тараққиётнинг глобал характери ва миллий иқтисодиётларнинг очиқлик даражаси ҳамда савдо эркинлигининг ошиши билан объектив равишда шартланган халқаро иқтисодий интеграциядир. ***Латин тилидан таржимада интеграция (integratio) алоҳида қисмларни умумий, яхлит, ягонага тизимга боғланишини англатади.***

Халқаро иқтисодий интеграция - миллий хўжаликларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини ривожланиши, бир бирига яқинлашиши ва ўзаро мослашуви ҳамда уларни халқаро миқёсда ягона такрор ишлаб чиқариш жараёнига киришидир.

Халқаро иқтисодий интеграцияни алоҳида миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимои, чуқур барқарор муносабатларни ривожланиши орқали турли даражадаги ва турли шакллардаги ўзаро таъсири асосида мамлакатларнинг иқтисодий бирлашуви жараёни сифатида тавсифлаш мумкин.

Халқаро иқтисодий интеграция жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг анча юқори, самарали ва истиқболли босқичи бўлиб, иқтисодий алоқаларни байналминаллашувининг сифат жиҳатидан янги ва янада мураккаб босқичидир. Бу босқичда нафақат миллий иқтисодиётларнинг яқинлашиши, балки иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал этилиши ҳам таъминланади. Бинобарин, иқтисодий интеграцияни давлатлараро шартномалар шаклини олган ва давлатлараро органлар томонидан мувофиқлаштирилган тарзда тартибга солинадиган иқтисодий механизмларнинг яқинлашувига олиб келадиган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ўзаро ҳамкорлик жараёни сифатида ифодалаш мумкин.


Иқтисодий интеграция, хусусан, қуйидагиларда ифодаланади:

- турли мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорлик ва уларни тўлиқ ёки қисман бирлашуви;
- ушбу мамлакатлар ўртасида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этилиши;
- ягона (умумий) бозорни шакллантириш мақсадида ҳар бир алоҳида мамлакатлар миллий бозорларининг яқинлашиши;
- турли давлатларга мансуб хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тафовутларни йўқолиши;
- ҳар бир миллий иқтисодиётда хорижий ҳамкорларга нисбатан

камситишнинг ҳар қандай шаклининг йўқлиги ва бошқалар.

Иқтисодий интеграция жараёнлари ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ёки глобал асосда амалга ошмоқда. Ҳозирги вақтда интеграция бирлашмаларининг ўзига хос хусусияти сифатида уларнинг минтақавий даражада ривожланишини айтиш мумкин: умуммиллий ва давлатлараро давлат органларига эга яхлит ҳудудий иқтисодий комплекслар яратилмоқда.

Ҳозирги босқичда халқаро муносабатларнинг бутун тизимида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Глобаллашув уларнинг муҳим хусусиятига айланиб бормоқда. Схематик тарзда, иқтисодий интеграция ва глобаллашувга олиб келадиган жараёнлар 1-расмда кўрсатилган ўзаро бир бирига боғлиқ занжир тарзида ифодаланиши мумкин. Расмда кўрсатилган босқичлар, шубҳасиз, бироз соддалаштирилган ҳолда жаҳон иқтисодиётини байналминаллашув жараёнини тавсифлайди. Аслида, бу босқичларни соф шаклда ажратиб кўрсатиш жуда қийин, фақат маълум тенденцияларни аниқлаш мумкин ва улар ўртасида, шубҳасиз, тўғридан-тўғри ва тескари алоқалар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, глобаллашувни қайтарилмас ва объектив жараён сифатида тавсифлаганда, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг маълум вақт оралиғидаги динамикасига хос аниқ ривожланиш тенденцияларни назарда тутамиз. Ушбу расм(1) "Иқтисодий ҳаётнинг байналминаллашуви", "ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши", "халқаро меҳнат тақсимоти", "халқаро иқтисодий ҳамкорлик", "халқаро иқтисодий интеграция", "жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви" тушунчаларини фарқлашга ҳаракат қилиш мақсадида тақдим этилган.



1-расм. Иқтисодий фаолиятни байналминаллашувининг босқичлари.

Глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналминаллашувининг энг юқори босқичидир. Иқтисодий интеграция, унинг негизини ташкил этувчи глобаллашув жараёнига жуда мос тушади ва глобаллашувнинг ўзи байналминаллашувнинг юқори босқичи, унинг кейинги ривожланиши

бўлиб, узоқ вақт давомида тўпланиб келаётган миқдорий ўзгаришлар уни янги сифат даражасига кўтарилишига олиб келди. Жаҳон иқтисодиёти кўпчилик ТМКлар учун ягона бозорга айланиб бормоқда ва бундан ташқари, аксарият минтақалар доирасида бирлашган мамлакатлар уларнинг фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиб бермоқдалар.

Глобаллашув замонавий жаҳон иқтисодий тизимини энг муҳим реал хусусиятига, кишилиқ жамиятларини ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи энг таъсирчан кучлардан бирига айланиб бормоқда. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви - бу халқаро муносабатлар тизимидаги жамият ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларини ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини кучайтиришидир. У ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларига, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура, ижтимоий соҳа, маданият, экология, хавфсизлик, турмуш тарзи ва шунингдек, инсониятнинг яшаш шароитларига ҳам бевосита таъсир қилади. Тузиладиган ва амалга оширилаётган ташқи битимлар сонининг кўпайиши натижасида, миллий ишлаб чиқариш ва молиявий тузилмаларни ўзаро боғлиқлиги туфайли глобал ривожланиш жараёнлари тезлашади. Жаҳон иқтисодиётининг барча минтақа ва тармоқларини қамраб олган глобаллашув, миллий иқтисодиётлар ривожланишининг ташқи ва ички омиллари ўртасидаги алоқа ва муносабатларни тубдан, глобаллашув фойдасига ўзгартиради. Ҳозирги пайтда, ҳеч бир миллий иқтисодиёт, ўзининг катталигидан (катта, ўрта, кичик) ёки ривожланиш даражасидан (ривожланган, ўсиб бораётган, янги саноатлашган ёки саноатлашаётган, ривожланаётган ёки ўтиш давридаги) қатъи назар, мавжуд ишлаб чиқариш омиллари, технологиялар ва капиталга асосланган хужаликсиз ўзини ўзи таъминлай олмайди. Ҳеч бир давлат жаҳон хўжалиқ фаолиятининг асосий иштирокчиларини устувор йўналишлари ва ҳаракатлари нормаларини ҳисобга олмасдан туриб, иқтисодий ривожланиш стратегиясини оқилона шакллантириш ва амалга оширишга қодир эмас.

Гарчи "глобаллашув" тушунчаси сўнгги пайтларда иқтисодий адабиётларда энг кўп учрайдиган атама бўлса-да, у ҳали ҳам муайян концептуал ва амалий жиҳатдан тўлиқ равшанликдан анча узоқдир. Кўпчилик ғарб иқтисодчи олимлари глобаллашув жараёнларини бироз ноаниқ баҳоламоқдалар. Бу ерда фақат иккита нуқтаи назарни мисол тариқасида келтириш мумкин. Калифорния университетининг (АҚШ) социология профессори М. Кастелс глобаллашувни "янги капиталистик иқтисодиёт" деб таърифлаб, унинг асосий белгилари сифатида ахборот, билим ва ахборот технологияларини, ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги ва рақобатбардошлиқни оширишнинг асосий манбалари деб ҳисоблайди. Бу янги иқтисодиётни у аввалгидек, алоҳида корпорация ёки фирмалар сифатида эмас, балки устувор равишда бошқарув(менежмент), ишлаб

чиқариш ва тақсимлашнинг тармоқ тузилмаси орқали ташкил этиладиган глобал тизим деб ҳисоблайди

Бир қатор мутахассислар глобаллашувни анча тор тушунча сифатида ифодалядилар: истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларининг яқинлашиши ва бутун дунё бўйлаб таклиф этилаётган маҳсулотлар ассортиментини универсаллашуви жараёнлари натижасида глобал тизимда яратилган маҳсулотлар маҳаллий маҳсулотларни ўрнини босади ва алмаштиради деб ҳисоблядилар.


Бизни назаримизда, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини, унинг турли соҳалари ўртасидаги ўзаро алоқалари ва боғлиқлигини ҳамда ўзаро таъсирининг кучайиши, жаҳон иқтисодиётини босқичма-босқич товарлар, хизматлар, капитал, меҳнат ва билимларнинг ягона бозорга айланишида ифодалаш мумкин.

Глобаллашув жараёни жаҳон иқтисодиётининг турли соҳаларини қамраб олади, хусусан:

- товарлар, хизматлар, технологиялар, интеллектуал мулк объектлари билан хорижий, халқаро, жаҳон савдосини;
- ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатини (меҳнат, ишчи кучи), капитал, информация(ахборот) тизимини;
- халқаро молия-кредит ва валюта операцияларини (беғараз молиялаштириш ва ёрдам, халқаро иқтисодий муносабатлар субъектларининг кредитлари ва қарзлари, қимматли қоғозлар, махсус молия механизмлари ва воситалари билан операцияларни, валюта билан операцияларни);
- ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, технологик, муҳандислик ва ахборотлар алмашуви бўйича ҳамкорлик кўламини;
- Глобаллашувнинг чуқурлашуви, биринчи навбатда, илгари бўлганидек, айирбошлаш эмас, балки ишлаб чиқаришни байналмилаллашувидир. Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви дунёнинг кўпгина мамлакатлари ишлаб чиқарувчиларининг турли шаклларда ва турли босқичларда пировард маҳсулотни яратишда иштирок этишида намоён бўлади. Оралиқ ва ярим тайёр маҳсулотлар билан жаҳон савдоси ва корпорациялараро трансферларнинг ортиб бораётган улушини эгалламоқда. Ишлаб чиқаришни байналмилаллашувининг институционал шакли – бу ТМКлардир;
- мамлакатлар ўртасида капиталнинг халқаро ҳаракатининг ўсишидан, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестициялар шаклида (ва тўғридан-тўғри хорижий инвеститсиялар ҳажми ташқи савдо ва ишлаб чиқаришга нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда), бу эса фонд бозорини байналминаллашувининг чуқурлашувидир ;
- ишлаб чиқарувчи кучларни ишлаб чиқариш воситалари ва илмий-техникавий, технологик билимларни айирбошлаш орқали, шунингдек,

халқаро ихтисослашув ва кооперация шаклида иқтисодий бирликларни яхлит ишлаб чиқариш ва истеъмолчи тизимларига боғлаш орқали глобаллашувни;

- ишлаб чиқариш кооперацияси, ишлаб чиқариш ресурсларининг халқаро ҳаракати орқали;
- халқаро ҳамкорликни амалга оширишни таъминловчи глобал моддий, ахборот, ташкилий ва иқтисодий инфратузилмани шаклланиши орқали;
- халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлашуви, моддий неъматлар билан анъанавий халқаро савдо кўламини ошиши ва унинг характерини сифат жиҳатдан ўзгариши асосида айирбошлашни байналминаллашувини кучайиши. Халқаро ҳамкорликнинг тобора муҳим йўналишига айланаётган соҳа - бу моддий ишлаб чиқариш соҳасига қараганда тезроқ ривожланаётган хизмат кўрсатиш соҳасини;



2-расм. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг таркибий қисмлари.

- халқаро меҳнат миграцияси кўламини ошиб бориши. Нисбатан қашшоқ мамлакатлардан келган одамлар ривожланган мамлакатларда малакасиз ёки паст малакали ишчи сифатида иш топадилар. Шу билан бирга, меҳнат бозорида паст малакали ва кам маошли иш ўринлари билан боғлиқ бўлган маълум бўшлиқларни тўлдириш учун чет эл ишчи кучидан фойдаланадиган давлатлар иммиграцияни маълум чегараларда сақлашга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, замонавий телекоммуникация технологиялари ушбу соҳада янги имкониятларни очиб беради ва иммиграция жараёнларини осонроқ чеклаш имконини беради. Европа, Шимолий Америка ёки Япониядаги ҳар қандай компания, масалан, компьютер ишларини бажаришни бошқа мамлакатда жойлашган пудратчига бемалол ишониб топшириши ва дарҳол ўз офисида тайёр ишни олиши мумкин;
- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг атроф-муҳитга таъсирини ортиб бораётганлигини байналминлашуви, бу замонамизнинг глобал муаммоларини ҳал қилишга қаратилган халқаро ҳамкорликка бўлган эҳтиёжни оширади.

Яқин келажакда глобаллашув жараёнларини қуйидагиларга олиб келиши тахмин қилинмоқда:

- ✓ минтақавий интеграция жараёнларининг фаоллашувига;
- ✓ иқтисодий фаолиятни либераллашувини ҳали тўлиқ амалга оширмаган давлатлар иқтисодий тизимларининг янада очиқлигига;
- ✓ барча иштирокчиларнинг исталган бозорларга тўсиқсиз киришига;
- ✓ савдо ва молиявий операцияларни амалга ошириш қоидалари ва қоидаларини универсаллашувига;
- ✓ бозорларни тартибга солиш ва назорат қилишни унификация қилинишига;
- ✓ капиталнинг ҳаракати, инвестициялаш жараёнларини ва глобал тўлов ҳамда ҳисоб-китоб тизимига қўйиладиган талабларни стандартлаштиришга.

Глобаллашув ва интеграция кўп даражали жараёндир:

- минтақавий, миллий иқтисодиёт, яъни макродаражада;
- товар, молия ва валюта бозорлари, меҳнат бозорлари, яъни мезо-даражада;
- индивидуал компаниялар(микро) даражасида.

Макроиқтисодий даражада глобаллашув давлатлар ва интеграция бирлашмаларининг савдони либераллаштириш, савдо ва сармоявий тўсиқларни бартараф этиш, эркин савдо зоналарини яратиш ва бошқалар орқали ўз чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият билан шуғулланиш истагида намоён бўлади. Бундан ташқари, глобаллашув ва интеграция

жараёнлари дунёнинг йирик минтақаларида жаҳон иқтисодий бозори (иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот, сиёсий) маконини мақсадли шакллантириш бўйича давлатлараро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Микроиқтисодий даражада глобаллашув компаниялар фаолиятининг ички бозордан ташқарида кенгайишида намоён бўлади. Энг йирик трансмиллий корпорацияларнинг аксарияти глобал миқёсда фаолият юритиши керак: истеъмол даражаси юқори бўлган ҳар қандай ҳудуд уларнинг бозорига айланади, улар минтақавий бирлашмалар ва миллий давлатлар чегарасидан қатъи назар, ҳамма жойда истеъмолчилар талабини қондира олиши керак. Компаниялар харидорлар, технологиялар, харажатлар, таъминот, стратегик иттифоқлар ва рақобатчилар тўғрисида глобал нуқтаи назардан ўйлашади. Чунки уларнинг, маҳсулотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва сотишнинг турли бўғинлари ва босқичлари халқаро миқёсда бирлашган турли мамлакатларда жойлашган. Трансмиллий фирмаларни яратиш ва ривожлантириш транспорт таъминоти, нархлар, такрор ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар, бозор конъюнктурасини яхшироқ ҳисобга олиш, фойдани самарали қўллаш ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш орқали кўплаб тўсиқларни четлаб ўтиш имконини беради.

ТМКлар (айниқса, кўп миллатли ва глобал) учун ташқи иқтисодий фаолият кўп ҳолларда ички операциялардан муҳимроқ эканлигини ҳисобга олсак, улар глобаллашув жараёнларининг асосий субъекти бўлиб ҳисобланади. Трансмиллий корпорациялар – бу глобаллашувнинг таянчи, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир.

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин ва самарали тадбиркорлик фаолияти учун жаҳон хўжалигининг ягона глобал иқтисодий, ҳуқуқий, ахборот, маданий маконни шаклланиши, товарлар ва хизматлар, капитал, ишчи кучи, иқтисодий конвергенциянинг ягона бутунжаҳон бозорини яратиш ва алоҳида мамлакатларнинг ягона жаҳон хўжалик мажмуасига бирлашиши энг долзарб эҳтиёждир.

Тўғри, катта эҳтимол билан, биз ҳатто ўнлаб йиллар ичида ҳам ҳақиқий глобал бозорга чиқа олмаймиз ва бу турли сиёсий сабабларга кўра тўлиқ амалга оширилмаслиги мумкин. Халқаро савдо тартибларининг универсаллашуви ва халқаро капиталнинг ҳаракати ҳали бир хил иқтисодий муҳитни, ягона бутунжаҳон иқтисодий маконни яратишга олиб келмади. Жаҳон иқтисодиёти полицентрик(ярим марказлашган) тузилма бўлиб, у 197 та миллий-давлат тузилмаларини ўз ичига олади ва уларнинг ривожланиши жуда ҳам нотекис. Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг ярмига яқини халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўсиши ва кучайишига таъсир қилмайдиган ёпиқ иқтисодиётда яшайди. Жаҳонда бир-бирига параллел бўлган иккита дунё мавжуд: халқаро ва ўзини ўзи таъминлайдиган

иқтисодиёт, улардан бирининг (ўзини ўзи таъминлайдиган иқтисодиёт) ҳажми ва аҳамияти аста-секин жаҳон иқтисодиётида кичрайиб бормоқда. Ушбу тузилманинг қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликлар ассиметрикдир, турли мамлакатлар гуруҳлари жаҳон интеграция жараёнларига бир хил бўлмаган нотенглик даражасида жалб қилинади.

Глобал иқтисодий маконни саноатлашув даврининг бошланиши билан таққослаганда мамлакатлар ўртасидаги технологик тафовутнинг кенгайиши туфайли сезиларли даражада хилма-хил(бир хил эмас) бўлиб қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда тўртинчи ва бешинчи технологик укладлар(хўжалик юритиш шакллари) устунлик қилади, ўртача ривожланиш даражасидаги мамлакатларда - учинчи ва тўртинчи укладлар, жаҳоннинг чекка мамлакатларида эса саноатлашув давригача бўлган технологиялар сақланиб қолмоқда. Шу асосда етакчиликни қўлга киритган, энг самарали технологиялардан фойдаланадиган, фан сиғимкорлигини кўп талаб қилувчи товар ва хизматларни (масалан, компьютерлар, дастурий таъминот, уяли телефонлар, космик алоқа хизматлари ва бошқалар) паст ва ўрта даражада ривожланган мамлакатларга максимал даражада фойда олиш мақсадида экспорт қилинади.

Иқтисодий муҳитнинг, жаҳон иқтисодий маконининг ҳозирги вақтда мавжуд бўлган хилма-хиллиги билан бир қаторда, глобаллашув жараёнларининг ривожланиш келажаги ҳал қилинмаган муаммо бўлиб қолмоқда: яъни, глобаллашув дунё яхлитлигининг бир хиллиги ёки хилма-хиллигини ошишига олиб келадими?- деган масала кўндаланг турмоқда.

Иқтисодиётдаги автономлашув ва интеграция жараёнларининг уйғунлиги глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятига айланганлигини билдиради. Бу "Нейсбитт парадокси"да акс эттирилган: "Иқтисодиётнинг глобаллашув даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг энг кичик иштирокчилари шунчалик кучлироқ бўлади". Дж.Нейсбитт, бир томондан, сиёсий мустақиллик ва ўзини ўзи бошқаришга, иккинчи томондан, иқтисодий иттифоқлар тузишга қаратилган ҳаракатни қайд этади.

Бинобарин, глобаллашувнинг парадокси шундан иборатки, жамиятнинг ички алоқалари қанчалик бой ва мустаҳкам бўлса, унинг иқтисодий ва ижтимоий мустаҳкамланиш даражаси шунчалик юқори бўлади, ички ресурслар қанчалик тўлиқ амалга оширилса, у ўзининг интеграция алоқалари ва жаҳон бозори шароитларига мослашиш афзалликларидан шунчалик муваффақиятли фойдалана олади.

Глобаллашув жараёнларининг ривожланиши умумиқтисодий ва товар ишлаб чиқариш қонунлари ҳамда улар билан боғлиқ илмий-техникавий тараққиётнинг эволюцион таъсири натижасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳатто улар билан шартланган маданий шарт-шароитларда амалга ошади. Бинобарин, замонавий глобаллашув

жараёнларини белгиловчи куйидаги асосий шарт-шароитларни (ҳаракатлантирувчи кучларни) аниқлаш мумкин:

1. Ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва технологик:

-ишлаб чиқариш кўламининг кескин ўсиши;

- ишлаб чиқаришнинг янги технологик усулига – юқори, фан сифимкорлигини талаб қилувчи технологияларга ўтиш;

- товарлар, хизматлар, капитал ҳаракати йўлидаги тўсиқларни бартараф этувчи янги технологияларни тез ва кенг тарқатиш;

-транспорт ва алоқа воситаларининг сифат жиҳатидан янги авлоди ва уларни унификация қилиш, товарлар ва хизматлар, ресурслар ва ғояларни энг қулай шароитларда қўллаш билан тез тақсимланишини таъминлаш. Ҳозирги вақтда маълумотларни узатиш деярли кечиктирмасдан амалга оширилмоқда. Иқтисодий имкониятлар ва битимлар тезда бутун дунё бўйлаб эълон қилинади. Товарлар ва хизматларнинг айрим турлари учун бир жойдан иккинчи жойга бориш учун ҳали ҳам бир неча кун ёки ҳатто ҳафталар кетади, маълумотлар эса дарҳол узатилади. Агар дунёнинг исталган бурчагидаги бозорда сезиларли ўзгаришлар рўй берса, у деярли бир зумда унинг бошқа барча қисмларида маълум бўлади. Бу, айниқса, фонд биржалари, валюта ва товар бозорларидаги воқеаларга, шунингдек, илмий кашфиётлар ва улардан фойдаланишга таълуқлидир. Бинобарин, шерикларнинг бир-биридан узоқлиги уларнинг ишлаб чиқариш кооперациясига ҳал қилувчи тўсиқ бўлиб қолмайди;

-илмий ёки бошқа турдаги интеллектуал алмашинувлар натижасида билимларнинг тез тарқалиши;

-транспортнинг илғор технологиялари, телекоммуникация харажатлари ҳисобига кескин камайиши, ахборотни қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларини сезиларли даражада камайтириш, бу эса миллий бозорларнинг глобал интеграциялашувига ёрдам беради. Рақамлар ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Лондон ва Нью-Ёрк ўртасидаги уч дақиқалик суҳбатнинг нархи (реал кўринишда) 1930 йилдаги 300 доллардан 1998 йилда 1 долларга тушди. Сўнгги 20 йил ичида (2018 йилгача) маълумотлар бирлигини компьютерда қайта ишлаш нархи турли мамлакатларда (реал кўринишда) 30% гача пасайди.

2. Ташкилий:

-саноат-хўжалик фаолиятининг халқаро шакллари (ТМК): ташкилий шакллар, уларнинг доираси миллий чегаралардан ташқарига чиқади, халқаро хусусият касб этади, ягона бозор маконини шакллантиришга ёрдам беради;

-кўп миллатли ёки глобал миқёсда нодавлат ташкилотларнинг пайдо бўлиши. БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, ЖСТ ва бошқалар каби халқаро ташкилотлар янги глобал рол ўйнай бошладилар;

-трансмиллий компаниялар ва бошқа хусусий ва давлат

ташкilotларининг глобал иқтисодиётнинг асосий иштирокчиларига айланиши.

3. Иқтисодий:

-товарлар ва хизматлар савдосини, капитал бозорларини ва иқтисодиётни бошқа айрим соҳаларини либераллаштириши протекционистик сиёсатнинг чекланишига олиб келди ва жаҳон савдосини эркинлаштирди (агар 1947 йилда импорт божлари ставкаларининг ўртача даражаси 50-60% бўлса, 90-йилларнинг бошларида у 9,6% гача камайди, келажакда эса Жаҳон Савдо Ташкилоти уни 3% гача оширишни мўлжаллаб турибди;

-капиталнинг мисли кўрилмаган концентрацияси(тўпланиши ва улканлашуви) ва марказлашуви, кўлланилаётган молиявий-иқтисодий воситаларнинг кескин ўсиши, валюталараро операцияларни амалга ошириш муддатининг кескин қисқариши;

-халқаро иқтисодий ташкilotлар томонидан макроиқтисодий сиёсатнинг ягона меъзонларини жорий этилиши, солиқ, минтақавий, қишлоқ хўжалиги, монополияга қарши сиёсат, бандлик сиёсати ва бошқаларга қўйиладиган талабларни бирлаштирилиши;

-унификация ва стандартлаштириш тенденциясини кучайиши. Технология, атроф-муҳит, молиявий ташкilotлар фаолияти, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобот стандартлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Таълим ва маданиятга тегишли стандартлар ҳам кенг тарқалмоқда.

4. Ахборот(информация) тизими:

-ишбилармонлик алоқа воситаларини, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, иқтисодий, молиявий маълумотлар алмашинувини тубдан ўзгариши;

-ахборотни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлашнинг тубдан янги тизимларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, молия ва товар бозорларини, шу жумладан ноу-хау ва профессионал хизматлар бозорларини бирлаштирувчи глобал тармоқларни яратиш имконини берди. Ахборот хизматлари бевосита электроника ютуқлари билан - электрон почта, интернетнинг яратилиши билан боғлиқ;

-бир марказга турли мамлакатларда жойлашган ишлаб чиқаришни бошқариш имконини берадиган тизимларни шакллантириш, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, тижорат муаммоларини тез, ўз вақтида ва самарали ҳал қилиш учун алоҳида мамлакатлар ичидагидан кўра ёмонроқ бўлмаган имкониятлар яратилади. Реал вақт режимида маълумотлар алмашинуви менежмент ва маркетингда, молиявий ва инвестиция оқимларини бошқаришда ҳақиқий инқилобни кўрсатади, маҳсулот сотишнинг янги шакллари (масалан, электрон тижорат) пайдо бўлди. Компьютерлаштириш, электрон ҳисоб ва пластик карточкалар тизимлари, сунъий йўлдош ва оптик толали алоқа масофа ва давлат чегараларидан

қатъи назар, молиявий маълумотларни деярли бир лаҳзада ўтказиш, битимлар тузиш, маблағларни бир ҳисобдан иккинчисига ўтказиш имконини беради.

5. Сиёсий:

-давлат чегараларининг қатъийлигини юмшатилиши ва осонлаштирилиши, фуқароларнинг, товарлар ва хизматларнинг, капиталнинг эркин ҳаракатланиши учун ҳуқуқий шароитларни яратилиши;

-совуқ урушнинг тугаши, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги сиёсий тафовутларни бартараф этилиши.

6. Ижтимоий ва маданий:

-ижтимоий алоқалар байналминаллашуви ва урф-одатлар ролини заифлашиши, миллий чекловларни бартараф этилиши, бу одамларнинг ҳудудий, маънавий ва психологик муносабатлардаги ҳаракатчанлигини оширади, халқаро миграцияга ёрдам беради;

-бозор иқтисодиёти ва эркин савдо тизимини баҳолашда глобал консенсуснинг пайдо бўлиши;

-глобаллашган "бир ҳил" оммавий ахборот воситалари, санъат, поп-маданиятнинг шаклланиш тенденциясини намоён бўлиши;

-Инглиз тили халқаро мулоқот тилига айланиб, маданиятлараро мулоқот, ўрганиш ва ўзаро тушунишни осонлаштиради;

-масофавий таълимни ривожлантирилиши туфайли таълимдаги чегараларни аста-секин енгиб ўтилиши;

-меҳнат ресурсларини тайёрлашни либераллаштирилиши, бу эса миллий давлатларнинг "инсон капитали"ини такрор ишлаб чиқариш устидан назоратини заифлашишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги ўттиз йиллар давомида(айниқса Совет иттифоқи парчалангандан кейин) энг фаол кечаётган глобаллашув жараёнлари ноаниқлик ва қарама-қаршилиқларга бой бўлиб, илмий ва ишбилармон доираларда ҳамда мамлакатлар раҳбарлари ўртасидаги қизгин баҳс-мунозараларга ва сиёсий-иқтисодий муҳокамалар мавзусига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Замонамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақиқати шундаки, глобаллашув объектив ва мутлақо муқаррар ҳодиса бўлиб, уни иқтисодий сиёсат ёрдамида секинлаштириш мумкин. Лекин, бу тўхтатиб ва бекор қилиб бўлмайдиган жараёндир. Чунки бу замонавий жамият ва илмий-техника тараққиётининг муҳим талабидир. Шунинг учун ҳам, жаҳон иқтисодиёти таркибидаги мамлакатлар янги шароитларга мослашиши ва жаҳон иқтисодиётининг байналмилаллашуви бераётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун глобаллашув жараёнларга мувофиқ тарзда муносабатда бўлишлари зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Долгов С.И. Глобализация экономики: новое слово или новое

явление? — М.: ОАО «Изд-во «Экономика», 1998, С. 171.

2. Кох Р. Менеджмент и финансы от А до Я. — СПб: Издательство «Питер», 1999. — С. 65.

3. Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития. //Мировая экономика и международные отношения. — 2000. — № 2. — С. 15

4. Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития.//Мировая экономика и международные отношения. — 2000. — №2. — С. 18.

5. Постиндустриальный мир и процессы глобализации. //Мировая экономика и международные отношения. — 2000. — № 3. — С. 91.

6. Мартин Г.П., Шуманн Х. Западня глобализации: атака на процветание и демократию/Пер. снем. — М.: Издательский дом «АЛЬПИНА», 2001, С. 20.

7. Мартин Г.П., Шуманн Х. Западня глобализации: атака на процветание и демократию/ Пер. снем. — М.: Издательскийдом «АЛЬПИНА», 2001, С. 52—53.

8. Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. – Тошкент.: Бактрия пресс, 2015. -584 б.

9. К середине века 68% населения планеты будет жить в городах [Электронный ресурс]. Организация Объединенных Наций, Департамент по экономическим и социальным вопросам. — Нью-Йорк. — Май 2018й.

10. Berkinov B.B., Ashurova D.S., Abdullaeva M.K., Raximov J.M. “Global iqtisodiyot” (O’quv qo’llanma), - Т.: TDIU, 2019 у. 232 –bet.

МУНДАРИЖА:

1. Инсон капиталини баҳолаш ва ривожлантириш муаммолари
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ҳилола Нематовна Очилова Меҳрангиз Олимовна Мамаюнусова
2-16
2. Камбағалликни камайтириш чора-тадбирлари
Бобаназарова Жамила Холмуродовна
16-21
3. Феномен проблематики отмывания денежных средств, полученных преступным путем в российской экономике и методов регулирования
Зенченко Светлана Вячеславовна Воронин Иван Анатольевич
21-31
4. Оценка синергетического эффекта в туризме
Усманова Дилафруз Каршиевна
31-42
5. Наука и религия – единство противоположностей
Мухаммедов Мурод Мухаммадиевич Мухаммедова Зарина Муродовна Муродов Шавкатжон Фарходович
42-50
6. Improving the management mechanism of service enterprises
Arabov Nurali Uralovich Ismailov Baxit Abdireymovich Akhmedov Jamol Akhmedovich
50-64
7. Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спорт хизматларини ривожлантириш йўналишлари
Н.Қ.Мамадиёров
64-72
8. Kambag'allik muammosi va uning darajasini baholash
Nasimov Ikrom Xusanovich
72-78
9. Факторы развития инновационной деятельности в Узбекистане
Камилова Наргиза Абдукахоровна
79-84
10. The development of agriculture in the works of Amir Temur for economic reasons

Halikova Lola Nazarovna
84-88
11. Давлат бюджети -ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили
У.Худайбердиев
89-93
12. Жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви ва байналминаллашувининг босқичлари
А.Х.Джумаев
93-106